

Тазкия дарслари (42-дарс). Ваҳдатул вужуд (Биринчи мақола)



17:00 / 20.07.2019 5436

Ушбу китобимизнинг асосий мақсадига назар соладиган бўлсак, ваҳдатул вужуддан сўз очмасак ҳам бўлар эди. Чунки бу китобда биз сунний тасаввуфдан сўз юритмоқдамиз, фалсафий тасаввуфдан ўзимизни йироқ тутмоқдамиз. Ваҳдатул вужуд эса айнан фалсафий тасаввуфни майдонга киритган бош омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, бу масалага фалсафий тасаввуфдан бошқалар ҳам қисман мубтало бўлганлар. Хусусан, бизда кўп тарқалган Нақшбандия тариқати ҳам бир вақтлар ваҳдатул вужуд масаласига катта эътибор берган.

Ҳозирги кунимизда бу масала бизнинг диёрларимизда унут бўлган эди. Шунинг учун бошқа бир қанча тортишувли масалалар қатори, ваҳдатул вужуд масаласининг қайта майдонга чиқишини истамас эдик. Мен ўзим бу

масаланинг бировнинг эсига тушиб қолишини асло истамас эдим. Бу масаладан хабардор биродарларга ҳам уни қўзғамаслик кераклигини айтиб юрар эдим. Аммо биз истаймизми, йўқми, аста-секин ваҳдатул вужуд масаласи майдонга кириб кела бошлади.

Чет элдалигимда баъзи бир мухлислар хат ёзиб, мендан ваҳдатул вужуд масаласини тушунтириб беришни сўрадилар. Ўшанда биз истамасак ҳам бу масала кўтарилганини таъкидлаш билан бирга, у ҳақда бироз маълумот ҳам бердим.

Кейинчалик, юртга қайтганимда, чет эл тасаввуфига қўшилиб, ваҳдатул вужуд тушунчаси ҳам халқ орасига кириб келганининг гувоҳи бўлдим. Одамлар бу масала ҳақида савол бера бошлаган эдилар. Четдан келган китобларнинг таржималарида ушбу масала турлича ёритилган эди. Баъзи билган-билмаганлар ваҳдатул вужуд ҳақида ўзларича ёзар ва гапирар эдилар.

Ушбу ва яна бошқа баъзи бир омиллар ваҳдатул вужуд масаласи ҳақида қўлдан келганича маълумот беришга ундади.

Ваҳдатул вужуд назариясининг кенг тарқалишига асосий сабаб бўлган шахс ҳижрий 560 санада туғилган ва ҳижрий 638 санада вафот этган Муҳйиддин ибн Арабий ҳисобланади.

Ваҳдатул вужуд назариясини асосан Муҳйиддин ибн Арабий ўзининг «Ал-футуҳоту ал-Маккия» ва «Фусусул ҳикам» номли китобларида баён қилган. Бу назария ўша вақтнинг ўзидаёқ ҳамма ёққа кенг тарқалди. Айниқса тасаввуф тариқатлари орасида бу назария танадаги қон ўрнида айланадиган бўлди. Бора-бора ваҳдатул вужуд назарияси аҳли завқ ва таҳқиқнинг шиорига айланди. Бу назарияни инкор қилганлар ғофил киши сифатида, тасаввуфга ёт унсур сифатида қораланадиган бўлди.

Шу ерда Муҳйиддин ибн Арабий ва унинг сафдошлари сунний тасаввуф заифлашган вақтда, умуман, исломий илмлар таназзулга юз тута бошлаган бир пайтда майдонга чиққанлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз лозим.

Ваҳдатул вужуд назарияси, қисқача қилиб айтганда, қуйидаги фикрдан иборат:

«Аллоҳ таолодан бошқа барча нарсалар шуъун ва таъйинотлар оламидир. Барча шуъун (ҳолат) ва таъйинот(жисм)лар У Зотнинг кўринишларидир. У Зот уларда зоҳир ва аралашиб юрувчи бўлгандир. Бу аралашиб юриш

хулул (сингиш) ва иттиҳод (бирикиб кетиш) назарияси соҳиблари айтгани каби эмасдир. Балки бу аралашиб юриш бир соннинг бошқа сонлар ичида юргани кабидир. Ҳамма сонлар бирликлардан иборатдир. Аммо оламда фақатгина бир муайян нарса ёки биттагина зот зоҳир бўлади, холос. Ана ўша зот Аллоҳнинг муқаддас зоти шаклида зоҳир бўлгандир. Аллоҳнинг зоти эса кўп ададларда зоҳир бўлади. Бас, Аллоҳ аввал ва охир, зоҳир ва ботин, шериклар ва тенгдошлардан устиндир».

Бу маънонинг далили сифатида ваҳдатул вужуд асосчилари ва тарафдорлари «Махфий хазина эдим. Бас, танилишни маҳбуб кўрдим ва халойиқни халқ қилдим», деган ҳадиси келтирилганлар.

Аммо ҳадис илмидан воқиф бўлган кўпчилик уламолар – ҳофиз Ибн Ҳажар, Заркаший, Суютий ва бошқалар бу гап ҳадис эмаслигини атрофлича исботлайдилар.

Ваҳдатул вужудчиларнинг асосий далилларида бири имом Бухорий ривоят қилган қуйидаги ҳадиси қудсий эди:

«Ким менинг валийимга душманлик қилса, Мен унга қарши уруш очаман. Бандам учун Менга Ўзим унга фарз қилган нарса ила яқинлашишидан кўра маҳбуб яқинлашиш йўқ. Бандам Менга нафллар ила яқинлашишда унга муҳаббат қилгунимча бардавом бўлур. Бас, Мен унга муҳаббат қилсам, унинг эшитар қулоғи, кўрар кўзи, ушлар қўли ва юрар оёғи бўлурман. Ва у Мендан сўраса, албатта унга берурман. Мендан паноҳ сўраса, албатта унга паноҳ берурман».

Аллоҳ таолонинг иродаси ила ҳар нарса бўлиши мумкинлигига ваҳдатул вужуд назариясининг мусулмонлар орасида тарқалиши ёрқин мисол бўлса, ажаб эмас. Бўлмаса, «Анал Ҳақ» («Ҳақ менман») деганлар юқоридаги ҳадиси шарифни ўзларининг фикрига далил қилиб келтириб, бошқа одамлар ўша сафсата ни қабул қилармидилар?! Ахир ҳадиснинг ўзида «бандам» деган сўз турибди-ку! Банда бўлгандан кейин, қандай қилиб Ҳақ ҳам бўлиш мумкин?! Бу ҳадиси шарифда фарз ибодатларни тўлиқ адо этадиган банда Аллоҳ таолога яқин бўлиши, у нафл ибодатларни ҳам кўпроқ қилаверса, дуо си тўсиқсиз қабул бўладиган ҳолга эришиши мумкинлиги ҳақида сўз бормоқда-ку!

Мансур Халложнинг қатли учун чиқарилган ҳукмга йиғлаб қўл қўйган уламолар каби, биз ҳам бу улуғ зотнинг «Анал Ҳақ»лари худолик даъвоси эмаслигини, Аллоҳнинг валийси илоҳлик даъвосини қилмаслигини яхши

тушунамиз. Лекин Аллоҳ таолонинг муҳаббатини юрагига сиғдиролмай, Аллоҳ азза ва жалланинг яқинлигидан завқи тошиб, ўзини йўқотиб, жазавага тушган ошиқ авлиёнинг шатаҳотини ҳам, жазавасини ҳам оқламаймиз. Агар бошқа валий зотларда бўлгани каби, бу шатаҳот, бу жазава фақат ўткинчи бир ҳолат бўлганида, ҳеч бир уламо Мансур Халложга эътироз билдирмасди. Зеро, ҳадиси шарифда баён қилинишича, баъзан банда завқининг зўридан адашиб, ўзини Робб, Роббни банда деб хитоб қилиб юбориши ҳам мумкин ва бу ўткинчи янглиш ҳолат узрли ҳисобланар экан.

(Давоми бор)

“Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобидан